

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

3-2021

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Муассис: Фарғона давлат университети.

«FarDU. ILMİY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК. ФерГУ» журналі бир йилда олти марта чоп этилади.

Журнал филология, кимё ҳамда тарих фанлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журналдан мақола кўчириб босилганда, манба кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 2 сентябрда 1109 рақами билан рўйхатга олинган.

Муқова дизайни ва оригинал макет ФарДУ таҳририят-нашриёт бўлимида тайёрланди.

Таҳрир ҳайъати

Бош муҳаррир
Масъул муҳаррир

ШЕРМУҲАММАДОВ Б.Ш.
ЎРИНОВ А.А.

ФАРМОҢОВ Ш. (Ўзбекистон)

БЕЗГУЛОВА О.С. (Россия)

РАШИДОВА С. (Ўзбекистон)

ВАЛИ САВАШ ЙЕЛЕК. (Туркия)

ЗАЙНОБИДДИНОВ С. (Ўзбекистон)

JEHAN SHANZADAN NAYYAR. (Япония)

LEEDONG WOOK. (ЖанубийКорея)

АЪЗАМОВ А. (Ўзбекистон)

КЛАУС ХАЙНСГЕН. (Германия)

БАХОДИРХОНОВ К. (Ўзбекистон)

ҒУЛОМОВ С.С. (Ўзбекистон)

БЕРДЫШЕВ А.С. (Қозоғистон)

КАРИМОВ Н.Ф. (Ўзбекистон)

ЧЕСТМИР ШТУКА. (Словакия)

ТОЖИБОЕВ К. (Ўзбекистон)

Таҳририят кенгаши

ҚОРАБОЕВ М. (Ўзбекистон)

ОТАЖОНОВ С. (Ўзбекистон)

ЎРИНОВ А.Қ. (Ўзбекистон)

РАСУЛОВ Р. (Ўзбекистон)

ОНАРҚУЛОВ К. (Ўзбекистон)

ГАЗИЕВ Қ. (Ўзбекистон)

ЮЛДАШЕВ Г. (Ўзбекистон)

ХОМИДОВ Ғ. (Ўзбекистон)

АСҚАРОВ И. (Ўзбекистон)

ИБРАГИМОВ А. (Ўзбекистон)

ИСАҒАЛИЕВ М. (Ўзбекистон)

ҚЎЗИЕВ Р. (Ўзбекистон)

ХИКМАТОВ Ф. (Ўзбекистон)

АХМАДАЛИЕВ Ю. (Ўзбекистон)

СОЛИЖОНОВ Й. (Ўзбекистон)

МАМАЖОНОВ А. (Ўзбекистон)

ИСОҚОВ Э. (Ўзбекистон)

ИСКАНДАРОВА Ш. (Ўзбекистон)

МЎМИНОВ С. (Ўзбекистон)

ЖЎРАЕВ Х. (Ўзбекистон)

КАСИМОВ А. (Ўзбекистон)

САБИРДИНОВ А. (Ўзбекистон)

ХОШИМОВА Н. (Ўзбекистон)

ҒОҒУРОВ А. (Ўзбекистон)

АДҲАМОВ М. (Ўзбекистон)

ХОНКЕЛДИЕВ Ш. (Ўзбекистон)

ЭГАМБЕРДИЕВА Т. (Ўзбекистон)

ИСОМИДДИНОВ М. (Ўзбекистон)

УСМОҢОВ Б. (Ўзбекистон)

АШИРОВ А. (Ўзбекистон)

МАМАТОВ М. (Ўзбекистон)

ХАКИМОВ Н. (Ўзбекистон)

БАРАТОВ М. (Ўзбекистон)

Муҳаррирлар: Ташматова Т.
Жўрабоева Г.

Мусаҳҳиҳ: Шералиева Ж.

Таҳририят манзили:

150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй.
Тел.: (0373) 244-44-57. Мобил тел.: (+99891) 670-74-60
Сайт: www.fdu.uz

Босишга рухсат этилди:

Қоғоз бичими: - 60×84 1/8

Босма табоғи:

Офсет босма: Офсет қоғози.

Адади: 50 нусха

Буюртма №

ФарДУ нусха кўпайтириш бўлимида чоп этилди.

Манзил: 150100, Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси, 19-уй.

**Фарғона,
2021.**

Аниқ ва табиий фанлар

МАТЕМАТИКА

Д.Аманов, С.И.Сиражиддинов
Тўртинчи тартибли хусусий ҳосилали дифференциал тенглама учун
нолокал масала.....6

А.Оқбоев, Н.Муталлиев
Иккинчи тур бузиладиган гиперболик типдаги тенглама учун
силжишли масала.....14

БИОЛОГИЯ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

Ғ.Юлдашев, В.Исақов, У.Мирзаев, Х.Шокирова
Гидроморф тупроқларнинг антропоген омиллар таъсирида
эволюцияси.....20

КИМЁ

И.Асқаров, Ҳ.Исаков, О.Абдуллоев, Ш.Тураҳонов
Анор пўстлоғи таркибидан галл кислотасини олиш усуллари.....25

Ижтимоий-гуманитар фанлар

ТАРИХ

Лианг Юн, Н.Камбаров
Қанғ маданияти ҳақида хитойлик олимларнинг фикрлари.....30

Ф.Шамукарамова
Катта Фарғона каналининг қурилишида археологик назоратнинг аҳамияти.....43

У.Абдуллаев
Фарғона водийси халқларида анъанавий дафн ва таъзия
маросимлари.....51

Т.Турсунмуратов
Европа Иттифоқининг Ўзбекистон Республикаси билан таълим соҳасида ҳамкорлигининг
айрим хусусиятлари.....56

А.Алохунов
“Хўжа”лар тоифасининг келиб чиқиш тарихидан.....61

Р.Атаханов
Фарғона водийси қорақалпоқлари замонавий кийимларидаги анъанавий
жиҳатлар.....66

Д.Исмоилова, Н.Бердиев
Туркистонда суд тизими тарихидан.....72

Р.Акбаров
Иккинчи жаҳон уруши йилларида ўзбек миллий матбуотининг жангчиларни
ватанпарварлик руҳида тарбиялашдаги роли.....78

Д.Элова
Бухоро ҳаво флотини ташкил этиш тадбирлари ва самолётлар кириб
келиши тарихидан.....85

Э.Ғуломов
Ўзбекистон Республикасида 1994 йилги Олий Мажлис сайловига тайёргарлик.....89

УДК: 93/94

**ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕК МИЛЛИЙ МАТБУОТИНИНГ
ЖАНГЧИЛАРНИ ВАТАНПАРВАРЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШДАГИ РОЛИ****РОЛЬ УЗБЕКСКОЙ НАЦИОНАЛЬНОЙ ПРЕССЫ В ВОСПИТАНИИ БОЙЦОВ В ДУХЕ
ПАТРИОТИЗМА В ГОДЫ ВТОРОЙ МИРОВОЙ ВОЙНЫ****THE ROLE OF THE UZBEK NATIONAL PRESS IN BRINGING UP THE SOLDIERS IN THE
SPIRIT OF PATRIOTISM****Акбаров Раҳматилло Муртозали ўғли¹****¹Акбаров Раҳматилло Муртозали ўғли** – Наманган давлат университети мустақил
изланувчиси.**Аннотация**

Мақолада иккинчи жаҳон уруши йилларида ўзбек миллий матбуотида фронт газеталарининг вужудга келиши, уларда жангчиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қаратилган мақолаларнинг чоп этилиши ва ўзбек жангчиларининг жанг майдонларида кўрсатган қаҳрамонликлари ҳақида сўз боради.

Аннотация

В данной статье речь идет о возникновении фронтовых газет, печатание в них статьей направленных на воспитание воинов в духе патриотизма и совершении героизма на поле боя в период второй мировой войны в узбекской прессе.

Annotation

This article reveals the facts about the formation of front newspapers in the Uzbek national press during World War II, the publication of articles aimed at educating soldiers in the spirit of patriotism, and the heroism of Uzbek soldiers on the battlefield.

Таянч сўз ва иборалар: фронт газеталари, ўзбек жангчилар, “Душманга қарши олға”, “Қизил армия”, “Қизил Ўзбекистон”, “Ватан шарафи учун”, Таран, Аҳмаджон Шукуров, Раҳима Алимова, сиёсий тарғибот.

Ключевые слова и выражения: фронтовые, узбекские воины, “Вперед, против врага”, Красная армия, “Қизил Ўзбекистон”, “Во имя Родины”, Таран, Аҳмаджон Шукуров, Раҳима Алимова, политическая пропаганда.

Keywords and expressions: front newspapers, Uzbek fighters, “Forward against the enemy”, “Red Army”, “Red Uzbekistan”, “For the glory of the Motherland”, Taran, Ahmadjon Shukurov, Rahima Alimova, political propaganda.

1941-1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон урушида кўп миллатли Ўзбекистон халқи жанг майдонларида ва фронт ортида улкан жасорат ва матонат кўрсатиб, фашизм устидан қозонилган ғалабани таъминлашга муносиб ҳисса қўшди. Ўзбекистон халқининг урушда эришилган буюк ғалабага қўшган ҳиссасини тарихий ҳужжатлар асосида кўрсатиш, фашизмга қарши жангларда қатнашган ватандошларимизнинг номларини абадийлаштириш, ёш авлодни мардлик, Ватанга меҳр ва садоқат руҳида тарбиялаш муҳим ва аҳамиятлидир.

Зеро, мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев таъбири билан айтганда, Иккинчи жаҳон уруши йилларида халқимиз кўрсатган мардлик ва олижаноблик ҳақида

кўплаб илмий ва бадиий асарлар яратилган бўлса-да, эл-юртимизнинг буюк ғалабага қўшган улкан ҳиссаси ҳали тўла очиб берилмаган [1].

Маълумки, 1939 йил 23 августда СССР ва Германия давлатлари ўртасида ўзаро ҳужум қилмаслик ҳақида шартнома тузилганлигига қарамай, 1941 йил 22 июнда Германиянинг ҳеч қандай уруш эълон қилмай СССР ҳудудига бостириб кириши Совет Иттифоқи ва унга аъзо барча мамлакатлар учун жуда мушкул вазиятни вужудга келтирган эди.

Уруш Германия учун энг қулай шароитда бошланди. Унинг армияси тўла сафарбар қилинган, Европада уруш олиб боришнинг икки йиллик тажрибасига эга бўлиб, унинг иқтисодиёти эса аллақачон

ТАРИХ

ҳарбий изга солинган, бутунлай урушга хизмат қилаётган эди. Бундан ташқари, Германия томонидан босиб олинган Европа мамлакатларининг катта ресурслари унинг ихтиёрида эди. Европада иккинчи фронтнинг йўқлиги Германия учун ғоятда қўл келди, шунинг учун ҳам немис қўмондонлиги ўз қуролли кучларининг энг кўп қисмини СССРга қарши ташлай олди.[2:438] Германиянинг Италия, Руминия, Финляндия, Венгрия каби иттифоқчилари бўлиб, улар Совет Иттифоқига қарши Германия билан биргаликда курашаётган эди. Бундан ташқари, Германияга Япония, Болгария, Испания, Туркия ёрдам бермоқда эди. Бунинг устига СССР Япония ва Туркиянинг ҳужум қилишидан хавотир бўлиб, Узоқ Шарқда ва Кавказортида катта кучлар сақлашга мажбур бўлди. Тўсатдан ҳужум қилиш ҳам Германияга катта устунлик берган эди.[2:438]

Бундай оғир вазиятда Совет ҳукумати жуда катта куч ва имкониятларни сафарбар этиши керак эди.

II жаҳон урушига қадар советлар томонидан амалга оширилган сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий тадбирларнинг салбий оқибатларидан, қатағонлардан жабр-зулм кўрмаган миллат, жабр-зулм кўрмаган оила йўқ бўлса керак.

Шундай тарихий шароитда бошланган Иккинчи жаҳон урушида жабрдийда халқни, раҳбар кадрлари отиб ташланган армиянинг “зулмат салтанати”ни душмандан жонини жабборга бериб ҳимоя қилиши амри маҳол эди. Шу сабабли матбуотнинг катта сафарбарлик кучини яхши билган совет давлати раҳбарлари уруш йилларида расмий давлат газеталаридан ташқари фронт газеталарини ҳам чиқаришга қарор қилганлар. СССР Халқ комиссарлари совети ва ВКП (б) Марказий Комитетининг 1941 йил 29 июнда, Ишчи-деҳқон қизил армияси Сиёсий тарғибот бош бошқармасининг (РККА) 1941 йил 23 июнда чиқарган директивалари, айниқса, ВКП (б) МКнинг 1942 йил 12 июнда чиқарган ҳарбий қисмлардаги оммавий-сиёсий ишларни кучайтириш тўғрисидаги қарори фронт газеталарини ташкил этишда ҳуқуқий баъза бўлиб хизмат қилган.[3:4]

Миллий тилларда чиқадиган газеталарни нашр этиш шунинг учун ҳам зарур эдики, Германия ва унинг иттифоқчилари томонидан Совет Иттифоқининг босиб олинган ҳудудларида асосий фаолияти советларга қарши ташвиқот ҳисобланган даврий матбуот ташкил этилганди. СССРнинг босиб олинган ҳудудида фашист газеталари уруш бошланганидан кўп ўтмай нашр қилина бошланди ва унинг сўнгги кунларига қадар давом этди. Умуман олганда, немис кўшинлари босиб олган ҳудудда 260 та газета ва журнал чоп этилди. Бундай даврий нашрлар барча босиб олинган республикалар ҳудудида – Беларус, Молдова, Латвия, Литва, Россия, Украинада чоп этилди. Немис босқинчилик газеталари рус, украин, беларус, молдав, литва, латиш, эстон ва СССР халқларининг бошқа тилларида чоп этилган бўлиб, улар орасида рус тилидаги газеталар алоҳида ўрин эгаллаган.[4]

Жумладан, фашистлар томонидан нашр этилган “Правда” газетасида берилган маълумотларга қараганда, Адолф Гитлер совет зулмидан озод бўлган Россия ҳудудларида ер ислоҳотини ўтказиш тўғрисида буйруқ чиқарган. Бу ислоҳотнинг мазмунига алоҳида урғу берилиб, “ислоҳот чарчаган рус деҳқонлари учун узоқ кутилган, улар Адолф Гитлернинг деҳқонларга берган бу буюк совғасининг аҳамиятини қадрлаши керак”[5], дейилади. Ислоҳотга кўра, колхозлар тугатилди, деҳқонларнинг якка тартибдаги хўжаликларига ўтиш босқичини англатадиган коммунал хўжаликлар тартиби ўрнатилди. Бу шуни англатардики, деҳқон хўжаликлари тез орада оддий иш шароитида ва ўз ерларида ҳеч қандай бошқарувга эга бўлмаган меъёрларга кўйилишини назарда тутганди.

Фашистлар томонидан ташкил этилган матбуот ўз мазмунига кўра совет ҳокимиятига, большевизмга қарши кучли пропаганда йўналишида бўлиб, газета саҳифаларида немислар ишғол қилган ҳудудларда яшаётган аҳолининг гўёки, хотиржам ва тўкин яшаётганлигини кўрсатишга ҳаракат қилинганди. Шунинг учун ҳам совет ҳукуматига уруш даврида душманга қарши халқни бирлаштира оладиган, фашистларнинг ахборот

хуружларига қарши тура оладиган кучли матбуот тизимини яратиш қанчалик зарур бўлганини англаш қийин эмас.

Душман ҳужумларини тўхтатиш ва уни мамлакат ҳудудидан сиқиб чиқариш учун жуда катта армия ҳамда барча имкониятлар сафарбар этилиши зарур эди.

Мана шундай вазиятда ҳар куни фронтга жўнатишни сўраб ҳарбий комиссарликларга келиб турган аризалар оқими ўзбекистонликларнинг миллий ватанпарварлик руҳи юксаклигининг яққол намунаси бўлди. Мазкур аризаларни турли касбдаги ва ҳар хил миллатга мансуб кишилар, эркаклар ва аёллар, ёшлар ва кексалар берар эдилар. Шу тариқа урушнинг дастлабки кунларидаёқ кўнгиллилардан 14 мингтадан ортиқ ариза тушган [6].

Урушнинг дастлабки даврларида деярли бутун Европани босиб олган, қудратли армияга, ўз даврининг замонавий қурол ва техникасига эга бўлган фашист Германияси устидан ғалабага Иттифоқ халқларининг, жумладан ўзбек халқининг матонати, мардлиги ҳамда мислсиз қаҳрамонликлари ҳисобига эришилди. Душман устидан қозонилган ғалабада жангчиларда ватанпарварлик ғояларининг янада юксалишига, қаҳрамонлик, жасорат кўрсатишга чорлаган Иккинчи жаҳон уруши матбуоти, хусусан ўзбек миллий матбуотининг ўрни ва роли беқиёсдир.

Бу йилларда Калинин фронтининг қизил аскар газетаси ҳисобланган, ҳафтасига икки марта чоп этилган “Душманга қарши олға” газетаси, “Қизил армия”, “Қизил Ўзбекистон”, “Ватан шарафи учун” газеталари жангчиларимиз учун оғир ва машаққатли даврда ўзига хос дастури амал вазифасини ўтади.

Уруш даврида рус бўлмаган жангчиларни тарбия қилиш ишига кўп эътибор берилган. Ўша пайтда Совет Иттифоқининг Олий бош қўмондони Сталиннинг маъруза ва буйруқларини етказиш учун ўзбек тилидаги газеталарда жангчиларимизнинг она тилида бериб борилди.

Уруш даври матбуотида жангларда жасорат кўрсатаётган жангчиларнинг мардлиги, жонбозликлари ҳамда қаҳрамонликларини таъсирчан ва ўтли

мисоллар билан очиб бериш марказий ўринни эгаллаган.

Матбуот саҳифаларида қаҳрамонлик ҳақида таъриф берилиб, “ҳеч бир киши онадан қаҳрамон бўлиб туғилмайди. Қаҳрамон – барваста, девқомат бўлавермайди. Бунинг учун қомат эмас, юрак, ботирлик, ўлимдан кўркмаслик, ҳимоя қилаётган нарсасини жонидан ортиқ кўриш, унинг учун усталик ва мардлик билан курашиш керак”лиги таъкидланади [7].

Урушнинг дастлабки даврлариданоқ совет жангчилари мисли кўрилмаган қаҳрамонликларни кўрсатган эдилар. Бундай қаҳрамонликлар газета саҳифаларида кенг миқёсда тарғибот қилиниб, совет жангчиларига ибрат сифатида намоён этиб борилганлигини кўришимиз мумкин.

Газета мақолаларининг таҳлили шуни кўрсатадики, мушофаа жангларида совет жангчиларининг энг мушкул вазиятларда ҳам таслим бўлмай, ўз жони эвазига душманни тўхтатиш – ватанпарварликнинг олий намунаси сифатида матбуот саҳифаларида алоҳида урғу берилган. Жумладан, шундай маълумотга кўра, урушнинг биринчи кунларидаёқ учувчи Пётр Харитонов ҳаво жангида самолёт тумшуғи билан зарба бериш (таран) усулини қўллаган. Унга Совет Иттифоқи Қаҳрамони деган унвон берилган. Ўшандан бери бу усул билан 1943 йил кузигача 100 нафардан ортиқ учувчи немис сомонётларини таран қилган.[8] Уруш якунига қадар совет учувчилари томонидан душман самолётларини таран қилиш 459 марта амалга оширилган[2:439].

1941 йил 30 сентябрдан – 1942 йил 20 апрелгача бўлиб ўтган Иккинчи жаҳон урушидаги йирик урушлардан бири бўлган Москва жангининг[9] иштирокчиси комсомол Сосновский мисли кўрилмаган фидокорликни кўрсатди: у душман дзоти (Дзот – русча; – Иккинчи жаҳон уруши арафасида ва уруш йилларида турли хил ўт очиш воситаларини жойлаштириш ва душман ўқ, снарядларидан сақланиш учун ёғоч, тупроқ, тош ва бошқа материаллардан қурилган мушофаа иншооти)нинг оғзини ўз

ТАРИХ

гавдаси билан ёпиб, жонини фидо қилади. Бироз вақтдан сўнг худди шундай қаҳрамонликни қизил аскарлардан Красиков, Черемнев, сержант Герасименко ҳам кўрсатганлар[8]. Яна шундай қаҳрамонликни Чернушки деган қишлоқ учун олиб борилган жангнинг ҳал қилувчи бир пайтида 254-гвардиячи ўқчи полкнинг оддий аскари комсомол Александр Матвеевич Матросов ҳам кўрсатди[8]. Мана шу воқеадан кейин амалга оширилган шу каби қаҳрамонликлар газета мақолаларида “матросовча” қаҳрамонлик номи билан аталган.

Душман танклар билан ҳужум қилган чоғларда жангчиларимиз немис танкини тўхтатиш учун танкка қарши мина билан ўзларини танк занжири остига ташлаб, душман танкини тўхтатганлар.

Москва остоналарида душман танкларининг бир колоннасига қарши туриб уларни тўхтатган гвардиячи-панфиловчиларнинг афсонавий қаҳрамонликларига барча совет халқи қойил қолган эди. Худди шу каби баҳодирона ишни 16 ёшли гвардиячи қаҳрамонлар Сталинграднинг остоналарида қилдилар. Улар ўз гавдалари билан Волга қирғоғига томон силжиган душман танкларининг йўлини тўсдилар. Ватан урушининг дастлабки 2 йили даврида 450 нафар комсомол ва комсомол тарбияланувчиларига Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилган.[8]

Миллати қозоқ бўлган оддий аскар Абдулла Усенов ҳам худди ана шундай қаҳрамонлик кўрсатиб, ҳалок бўлган жангчилардан эди.[3:36] Гранаталар билан ўзини душман танки остига ташлаб ҳалок бўлган ўзбек йигити Камол Пўлатовнинг қаҳрамонлиги ҳам жангчиларга олий ибрат намунаси бўлди.[10] Совет армиясининг баҳодир гвардиячи аскари Анатолий Угловский ҳам мана шу қаҳрамонликни кўрсатиб, фашист танкини портлатиб юборган.[11]

Фронт газеталаридан бу каби мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Совет давлати урушнинг дастлабки давридаги муқаррар мағлубиятдан мана шундай мардонавор қаҳрамонликларнинг натижаси ўлароқ, мушкул вазиятдан чиқиб, алал-оқибат, фашистлар устидан ғалабага эришди аслида.

Қизил армиянинг жангларда эришган ютуқлари, эгалланган ҳудудлар, душмандан озод этилган шаҳар ва қишлоқлар ҳақидаги совет информацион бюросининг маълумотлари матбуотда мунтазам равишда бериб борилган. Бундан кўзланган мақсад эса совет жангчиларини ва фронт ортида хизмат қилаётган аҳолини янада қаттиқ курашишга, меҳнат қилишга ундаш, ғалабага бўлган ишончни мустаҳкамлаш бўлганлиги шубҳасиз, албатта.

Газеталардаги берилган маълумотларга қараганда, 1943 йил ноябр ойигача бўлган муддатда амалга оширилган ҳужум операциялари натижасида фронтнинг марказий қисмида 500 километрдан тортиб, жанубда 1300 км йўл босиб 1 миллион квадрат километрга қадар, демак, душман томонидан босиб олинган совет ерининг қарийб 2/3 қисмини озод қилишга эришилган. Мақолада бу йилда эришилган ютуқларга урғу берилиб, “Совет кўшинлари немисларнинг мудофаасини емириб, фақат 1943 йилнинг ёзги 3 ойи ичида 4 жиддий сув тўсиқлик – Северский Донец, Десна, Сож ва Днепрни кечиб ўтдилар...”[12], дейилади.

1943 йил шунинг учун ҳам урушда туб бурилиш йили бўлдики – Қизил армия қисқа муддат ичида немис-фашист кўшинларининг энг тажрибали эски кадрларини қириб ташлади. Шу билан бирга бу йил мобайнидаги муваффақиятли жангларда ўз кадрларини чиниқтирди ва кўпайтирди.[12]

Ушбу йиллар давомида жанг майдонларида кўплаб ўзбек йигитлари ҳам чиниқиб, мисли кўрилмаган жасорат кўрсатган ватанпарвар қаҳрамонлар етишиб чиқди.

Ўзбек жангчиларининг ватанга ёзган номаларида: “Қаерда жанг қилмайлик, Украина саҳроларида, Ленинград бўсағаларида, Карелия ўрмонларида, биз Тошкентни, серҳосил Сирдарё ва Чирчиқ бўйларини, Фарғона каналини, Оҳангарон кўмирини, Фарғона водийсини, умуман севикли Ўзбекистонни ҳимоя қилаётганимизни яхши биламиз”[13], дейилганди. Совет Иттифоқи Қаҳрамони Аҳмаджон Шукуров худди шундай жангчилардан эди.

Пулемётчи Аҳмаджон Шукуровга Орёл шаҳридан 25 км наридаги Золотарёвка қишлоғида қарши ҳужум бошлаганларида, муҳим вазифа топширилган. У пулемёти билан немислар йўлини тўсиши керак эди. Ўзининг пулемёти ишдан чиққач, у душман пулемётини ҳам қўлга киритиб, ундан фойдаланди. Қишлоқни эгаллашда унинг хизмати бениҳоя катта бўлди. Кейин бу қишлоққа унинг номи берилди. Десна дарёси бўйидаги жангда ҳам у 13 та немисни қўлга туширди. Кейинги қишлоқда пулемёти билан 100 дан ортиқ немисни ўлдириб, 37 та гитлерчини асирга олди. 9 та пулемёт ва 37 та автоматни ўлжа туширди.[7]

Аҳмаджон Шукуровнинг қаҳрамонлиги матбуотда катта эътибор билан ёритилди. У ҳақидаги ҳикоя ва мақолалар ёзилди. Ёзувчи Саид Аҳмаднинг “Ноз” ҳикояси Аҳмаднинг урушга келмасдан аввалги ғамли ҳаёти, кўнгил қўйган қизининг унга розилик бермаганлиги, шундан сўнг урушга кетган Аҳмаднинг қаҳрамон бўлиб ватанига қайтганида, рад жавобини берган қизнинг энди бу қаҳрамонга ялиниб- ёлвориши ҳақидаги воқеалар образли тарзда акс эттирилган.[3:182-185]

Фронт газеталарида ғалаба йўлида нафақат йигитлар, балки аёлларнинг улкан мардлик, жасорат кўрсатаётганлиги ҳам кенг ёритиб борилган.

Масалан, Украина учун олиб борилаётган ҳужум жанглирида Бухородан борган Раҳима Алимова исмли қиз жасорат кўрсатиб, ўқчи ротанинг санитария инструктори бўлиб хизмат қилган. 1943 йилнинг 18-июлидан 28-июлигача Северский Донец дарёси қирғоқларида Донбасс учун бўлиб ўтган жангларда 97 нафар ярадор офицер оддий аскарларга тиббий ёрдам кўрсатган. Бу жанглар вақтида кўрсатган қаҳрамонлиги учун Раҳима Алимова “Жасурлиги учун” медали билан мукофотланган. Шу йилнинг 1-сентябридан 21-сентябригача давом этган 20 кунлик ҳужум жанглири вақтида 30 нафар ярадор аскарни қурол-яроғи билан жанг майдонларидан олиб чиққан. Раҳима Алимова фақат тиббий хизмат ходими сифатида эмас, балки оддий жангчи

сифатида ҳам душманнинг 10 га яқин аскарини йўқ қилди ва “Қизил байроқ” ордени билан мукофотланишга тақдим қилинди.[14]

Уруш йилларида жамиятнинг барча жабҳаларидаги фуқароларни, айниқса жангчиларни коммунистик партия сафига киритиш иши кучайтирилди. Уруш вазияти партия сафига киритишнинг аввалги тартибларини анча енгиллаштирди. Чунки партия сафларининг кенгайиши сиёсий тарғибот ишларини ҳам анчайин кучайтирарди. Партияга аъзо бўлганлар партия ташкилотининг буйруғига мувофиқ сиёсий суҳбатлар ўтказиб, агитаторлик ишини ҳам олиб борардилар.[15:154] ВКП (б) устави (низоми)да бундай дейилади: “Партияга кирувчилар ўзлари билан бирга ишлашиб, камида бир йил биладиган ва камида 3 йиллик партия стажига эга бўлган учта партия аъзосининг рекомендациясини (бирор ташкилотга ёки янги жойга ишга киришда бериладиган ёзма ёки оғзаки тавсия) топширишлари лозим”. Жангларда алоҳида жасорат кўрсатганлар учун истисно қилинади. ВКП (б) Марказий комитети ўзининг 1941 йил 12-август ва 9-декабрда чиқарган қарорларида бундай ўртоқларни ўзлари билан бирга ишлаб, бир йиллик муддатдан кам биладиган ва бир йилликка стажи бор коммунистлар томонидан берилган рекомендация билан ҳам қабул қилишга ижозат берган.[16] Партиянинг Марказий комитети бундай қарорни шунинг учун чиқарганки, уруш шароити кишини тезроқ ўрганиш ва текшириш учун имконият беради. Масалан, мақолада партия сафига қабул қилинганлардан бири 10 йил муддатга қамалган ўғри эканлиги айтилиб, унинг бир марта разведкага бориб, “тил” олиб келиши билан кифояланиб, партия сафига киритилгани таъкидланган.[16]

Миномёт расчётида разведкачилик вазифасини бажарган ўзбек йигити Нишон Маҳмудов ҳам бир жангда немисларнинг 40 та аскарини йўқ қилганлиги учун III даражали “Шухрат” ордени берилиши билан бирга партия сафига ҳам қабул қилинган.[15:189]

Уруш майдонларида жасорат кўрсатиб, даражали “Ватан уруши” ордени ҳамда “Жасурлиги учун” медали билан

ТАРИХ

тақдирланган ўзбек аскари Дўсжонов ҳам жанг пайтида фашистларнинг 3 та “Тигр” номли танкини йўқ қилганлиги учун жангдан кейин ВКП (б) аъзолигига номзод этиб қабул қилинган.[3:36] Жангчиларнинг партия сафига қабул қилинганликлари доимий равишда газета саҳифаларида ёритиб борилган. Бу билан жангчиларни жанг майдонларида янада жасорат, қаҳрамонлик кўрсатишга даъват қилинган.

Уруш даври газеталарида жанг майдонларида жонбозлик, ватанпарварлик намуналарини кўрсатаётган аскарлар ҳақида маълумотлар бериб бориш билан бир қаторда тарихда ўтган буюк саркардалар ҳаёти ҳақида ҳам мақолалар чоп этиб борилган. Жанговар бўлинмаларда агитация (лот. агитатио – ҳаракатга келтириш, уйғотиш) – ташвиқот) ишларига тарихий материаллардан фойдаланиш жуда яхши йўлга қўйилган [17]. Бундай мақолаларда Александр Невский бошчилигида 1242 йил 5 апрелда бошланган “Муз устидаги жанг” ва унда немис рицарларининг мағлуб этилиши;[18]

Дмитрий Донской бошчилигида 1380 йил 8 сентябрдаги мўғулларнинг туманбоши Мамай бошчилигидаги 300 минглик қўшинига қарши русларнинг 150 минглик қўшинлари ўртасидаги Куликово майдонидаги жангда русларнинг ғалаба қозониши;[19]

1612 йилда рус оқсоқолларидан Кузьма Минин ва саркарда Дмитрий Пожарскийларнинг Польша қироли Сигизмунд юборган гетман Ходкевич бошчилигидаги поляклар ва ёлланган венгер ҳамда немислардан иборат катта қўшинни мағлуб этиб, Москвани Польша ҳукмронлигидан озод қилиши;[20]

Рус саркардаси, ўзининг 70 йиллик умри давомида немисларга, поляк панларига, туркларга, французларга қарши 6 та катта урушда қатнашган, ўз умри давомида битта ҳам жангда енгилмаган дея таърифланган Александр Васильевич Суворов ҳақида.[21]

Шулар билан бир қаторда буюк бобокалонимиз Жалолоддин

Мангубердининг Чингизхоннинг саркардаси Шики Хутуху нўенга қақшатқич зарбаси ҳамда Чингизхон ва Жалолоддин Мангуберди ўртасидаги Синд дарёси бўйидаги жанг тафсилотлари, жангда Жалолоддин кўрсатган қаҳрамонлик ҳақида [22] ва шу каби кўплаб саркардалар тўғрисида маълумотлар бериб борилган.

Жанг майдонларида эр йигитнинг номуси ҳақида сўз бориб, машҳур ўзбек саркардаси Шайбонийхоннинг 1510 йилда Марв қалъаси ёнида Эрон шоҳи Исмоил Сафавийнинг ҳақоратли номасига жавобан 10-15 йигити билан қалъа дарвозасидан чиқиб, душманнинг жуда катта қўшинига қарши жангга киргани ва шамширининг ҳар бир зарбасида “Ер йигитнинг номуси.....” дея мардона жанг қилиб, ҳалок бўлганлиги намуна сифатида эътироф этилади.[23]

Эътиборли томони шундаки, деярли барча тарихий маълумотлар босқинчиларга қарши кураш олиб борган саркардалар ҳақида бўлган. Бунда юртга бостириб кирган душманга тарихда халқларнинг кураш олиб борганлиги ва бу ҳақ иш эканлигини тарихий жиҳатдан асослашга ҳаракат қилинган.

Хулоса қилиб айтганда, Иккинчи жаҳон уруши даври матбуоти фашистларга қарши курашда кучли бир ғоявий қурол, душманга қарши совет халқини бирлаштирувчи энг кучли омил вазифасини бажарди. Бу йўлда фронт газеталарида юқоридаги вазифаларни бажаришга хизмат қиладиган барча усул ва воситалардан фойдаланилди. Қаҳрамонлик кўрсатган жангчилар намуна сифатида кўрсатилди, тарихий маълумотлардан унумли тарзда фойдаланилди, жангчиларни коммунистик партия сафига киритиш ишига кўп эътибор берилиб, бу орқали совет ҳокимиятига тарафдор, сиёсий билимларга эга агитатор-тарғиботчиларни кўпайтиришга ҳаракат қилинди. Бир сўз билан айтганда, уруш даври матбуоти Германия ва унинг иттифоқчилари устидан эришилган буюк ғалабада энг муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилди.

Адабиётлар:

1. <https://xs.uz/uz/post/ozbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyoevning-9-maj-khotira-va-qadrlash-kuniga-bagishlangan-tantanali-marosimdagi-nutqi>
2. Берхин И.Б. СССР тарихи 1917-1982: Олий ўқув юрт тарих мутахассислиги студентлари учун. –Т.:Ўқитувчи, 1983.
3. Шамсутдинов Р. Иккинчи жаҳон уруши ва фронт газеталари. 2-китоб. – Т.: Академнашр, 2017.

4. Периодические издания на оккупированной территории СССР в годы Великой Отечественной войны//[https://ru.wikipedia.org/wiki/Периодические издания на оккупированной территории СССР в годы Великой Отечественной войны](https://ru.wikipedia.org/wiki/Периодические_издания_на_оккупированной_территории_СССР_в_годы_Великой_Отечественной_войны).
5. Дар Адольфа Гитлера русскому народу//Правда. 1942. №10 (30)// [https://ru.wikipedia.org/wiki/Периодические издания на оккупированной территории СССР в годы Великой Отечественной войны](https://ru.wikipedia.org/wiki/Периодические_издания_на_оккупированной_территории_СССР_в_годы_Великой_Отечественной_войны)
6. Saidolimov S. va boshqalar. O'zbekiston xalqining fashizm ustidan qozonilgan g'alabaga qo'shgan hissasi. (kitob-albom) –Т.:O'zbekiston, 2020.
7. Аҳмаджон қандай қилиб Совет Иттифоқининг қаҳрамони бўлди // Қизил армия. № 4.(109) 1944 йил 12-январь.
8. Комсомол Улуғ Ватан уруши фронтларида//Душманга қарши олға. №80.(144), 1943 йил 29-октябрь.
9. https://uz.wikipedia.org/wiki/Moskva_jangi
10. Душманга қарши олға. №97.(161), 1943 йил 30-декабрь.
11. Сталиннинг 1943 йил 6 ноябрьда мажлисда қилган доклади // Душманга қарши олға. 1943 йил 12 ноябрь. № 84(148)
12. Р-1735. 1-рўйхат, 1-жилд, 33-вароқ
13. Ўзбек қизининг ботирлиги//Душманга қарши олға. №10.(171) 1944 йил 3-февраль.
14. Шамсутдинов Р. Иккинчи жаҳон уруши ва фронт газеталари. 1-китоб. – Т.: Академнашр, 2017.
15. Якка танлаб олиш принципи сўзсиз қўлланилсин//Душманга қарши олға. №72.(136), 1943. 26-сентябрь.
16. Агитация ишимизда тарихий материаллардан фойдаланайлик // Душманга қарши олға. №27.(188) 1944 йил 6 апрель.
17. Александр Невский//Душманга қарши олға. №27.(188), 1944 йил 6-апрель.
18. Дмитрий Донской//Душманга қарши олға. №27.(188), 1944 йил 6-апрель.
19. Кузма Минин ва Дмитрий Пожарский//Душманга қарши олға. №28(189), 1944 йил 9 апрель.
20. Суворов А.В. .Қизил армия.№ 5.(110), 1944 йил 14 январь.
21. Жалолиддин//Душманга қарши олға. №25.(186), 1944 йил 29 март.
22. Махсуд Шайхзода. Номус деб....//Душманга қарши олға. №25.(186), 1943 йил 1 январь.

(Тақризчи: Б.Усманов – тарих фанлари доктори)